

# ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет турмуш тарзи

## БОШИМ УЗРА ПАРВОНА ҚУЁШ...

Ҳар куни бўш вақтимда газеталарни ўқишга одатланганман. Куни-кеча «Известия»ни ўқиб туриб кичик бир хабар эътиборимни тортди. Рейтер агентлиги Япониядан берган хабардан маълум бўлишича миллий темир йўл кампаниясида штатлар қисқартирилган, қанчадан-қанча кишилар ишсиз қолган. Ишсизлик, сарсон-саргардонлик, турмуш қийинчиликлари уқубатига чидолмаганлар ҳаёт билан видолашаётирлар. Қанчалар аянчли тақдир!

Ҳа, ҳозирги пайтда Япониядагина эмас, АҚШ, Англия, ГФР, Италия сингари капиталистик мамлакатларда ишсизлик азоб-уқубатларига дучор бўлганлар, кўча-кўйларда очлик-ночорликдан силласи қуриб юрганлар қанчадан-қанча. Бу кишиларнинг аянчли ҳаёти ҳақида ҳар сафар ўйлаганимда Улуғ Октябрга шукроналар айтаман, ўзимнинг, касбдошларимнинг, юртдошларимнинг бахтли тақдири, турмуш тарзи, завқли-шавқли меҳнати, пордоқ истиқболга ишонч билан интилиши— бутун турмуш тарзи кўз олдимда гавдаланади. Ана шунда беихтиёр шоирнинг ғурур ва ифтихор билан ёзган «Бошим узра парвона қуёш...» сатри ёдимга келади. Бу сўзлар гўё назаримда совет кишилари қалбидан отилиб чиққан туйғулар садосидек янграйди.

Дарҳақиқат Улуғ Октябрь қуёши туфайли, коммунистик жамиятнинг одамлар бахт-саодати равнақи беқиёс ғамхўрлиги туфайли биз эркин, фаровон, бахтиёр яшаяпмиз. Ишчи-студент сифатида аудиториядаги семинарларда сўзга чиққанимда бу ибораларимни қайта-қайта такрорлагим келади. Чунки ҳаётбахш турмуш тарзимизнинг замини шунда-да. Биз ўз қўлимиз билан ўз тақдиримизни яратаяпмиз. Буни ўзимнинг, бригададошларимнинг, бутун машинасозлар коллективининг ҳаёт тарзида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзим ким эдим—оддий бир қишлоқ йигити. Қадимий Бухоронинг Қоракўл районида ўсиб улғайдим. Ота-боболаримнинг касби деҳқон, чўпон. Мен эса бугун ишчиман— машинасозман. Бу сўзни ғурур билан айтаётганимнинг боиси шундаки, мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қиз буюк бунёдкорлик жабҳалари билан ўз тақдирини боғларкан орзулари, албатта тўла рўёбга чиқади. Чунки у ўз олдига катта мақсадни — улуғ доҳиймиз В. И. Ленин айтганидек: «Ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда меҳнат қилгандагина чинакам коммунист бўлиш...» мақсадини қўйгандир.

Мени ҳам «Ташсельмаш»га ана шу мақсад етаклаб келди. Ўша завод дарвозасидан илк қадам қўйган онни ҳамон ҳаяжонланиб эслайман. Кўзларим бўёқларига гард ҳам юқишга улгурмаган турнақатор «зангори кема»ларда. «Мунчалар кўп... Мен ҳам шундай машиналарни ясай олармиканман?..»— Шу сўзлар хаёлимдан ўтарди.

Йиғув цехида мени ўрта ёшлардаги чапдаст ишчи самимий қаршилади. Ўша пайтда ўйлардим: «Мунча меҳрибон бу одам! Ўз ўғлига гапираётгандай бу ердаги ишлар, ишчилар ҳақида эринмай сўзлайди-я?!» У одам билан тезда апоқ-чапоқ бўлиб, танишиб олдик. Исми Рихсивой, фамилияси Шералиев экан. Цехнинг моҳир мастерларидан бўлган бу кишининг заводимиздаги жуда кўп ёшларнинг мураббийси эканлигини кейинроқ билдим. Шунда бобомнинг сўзларини эсладим: «...Қадимда бухоролик усталар ўз ҳунари сирларини бошқалардан яширишган, фақат фарзандларигагина ўргатишган...» Устозим Рихсивой Шералиев эса тамоман бошқача эди. Нимаики билса ёшларга тезроқ ўргатсам дерди. Совет ишчисининг ўзига хос яхши фазилатларидан бири ҳам ана шу-да. Мана, кейинчалик ўзим шогирдларга касб ўргатарканман устоз туйғуларини тўла ҳис қилаяпман: ишчилар қанчалик касбини пухта эгаллаб, унумли меҳнат қилса, жамиятга шунчалик кўп наф келади!

Шунинг учун бугунги кунда бригадамизда турдош касбларни ўзлаштиришни ҳар бир ишчи ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Коллективимизда 18 киши бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Ҳаммаси ёшлар —ВЛКСМ аъзолари. Уларнинг заводга ишга келиши, созловчи-слесарлик касбини ўзлаштириши, шу цехда, шу бригадада муқим ишлаб қолиши менинг меҳнат фаолиятимнинг бошланишига жуда-жуда ўхшаб кетади.

Касбга ихлос қўйган ҳар қандай ишчи асло изтироб чекмайди деб ҳеч ким айтолмайди. Созловчи-слесарликни ўзлаштираётган пайтларим қийналганим рост. Конвейерда ишлашда улгура олмасдим, шошилсам бракка йўл қўярдим. Гоҳо деталнн, гоҳо бирор асбобни ишдан чиқарардим. Шундай пайтларда бригадамиздаги кимдир менга ёрдамга келарди. Акс ҳолда конвейер тезлиги сусайтирилар, бу эса бутун бригада иш натижасига салбий таъсир қиларди-да. Шундай пайтда ўзим қаттиқ изтироб чекардим. Лекин ҳеч ким, ҳатто талабчан мастер Рихсивой Шералиев ҳам ношудсан деб койиб бермасди. Ўша куни сменадан сўнг бригада илғорлари йиғилиб узоқ маслаҳатлашишар, тадбирлар белгилашарди. Эртаси мен билан ёнма-ён ишловчи юқори разрядли ишчи-шатакчи пайдо бўларди. Бир-икки ҳафтадан сўнг шатакчига ҳожат ҳам қолмасди... Ҳозир устозларимнинг ана шу усулини ўз бригадамда қўллаяпман. Умуман, дастлабки стахановчиларнинг қанчадан-қанча яхши анъаналари — бугун бизнинг бой бисотимизга айланган.

Совет Армияси сафига ҳарбий хизматга чақирилдим. Бригадамиз аъзолари мени тантанали кузатишаркан, наказлар беришди. Шунда устозим Рихсивой ака: «Улуғбекка ишонаман, ҳарбий хизматда ҳам юзимизни ерга қаратмайди», деди. Унинг бу сўзлари бутун хизмат давомида ёдимда бўлди: ахир мен ишчи коллективининг юз-кўзиман! Бригададошларимдан тез-тез хат олардим. Улар бир куни ёзишибди: «Н-қисм командиридан хат олдик. Хизматни аъло даражада ўтаётганингни билдириб, шундай йигитни тарбиялашга ҳисса қўшган коллективимизга ташаккур билдирибди. Комсомол йиғилишида ўқиб бердик. Ҳамма қарсаклар билан олқишлади. Шу кундан бошлаб бригадамиз аъзолари бир ой давомида сенинг нормангни ҳам бажаришга аҳд қилишди. Тушган пулни Тинчлик фондига ўтказамиз...»

Кейин касбдошларим ҳарбий хизматдан сўнг сафимизга кел, деб ёзишди. Менинг истагим ҳам шу эди...

Ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган бригададошларимиз билан бундай алоқа кўпдан бери давом этиб келяпти. Ҳозир бригадамизда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти Совет Армияси сафида хизматда чиниқиб қайтган ёшлар. Улар орасида Ҳамро Сафаров сингари Афғонистон Демократик Республикасида чекланган совет қўшинлари сафида ҳарбий хизмат қилиб, интернационал бурчини ўтаган йигитлар ҳам бор. Бу касбдошларимизнинг ҳикояларини тинглаганимизда тинчлик ҳамма халқларнинг буюк орзуси эканлигини, Совет Тинчлик программасининг моҳиятини юрак-юракдан ҳис қиламиз. Аслида бизнинг меҳнатимиз ҳам мамлакатимиз қудратини оширишга, жаҳонда тинчликни барқарор этишга улуш эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

Кўпинча ана шу улушимиз салмоғи ҳақида ўйлаймиз, баҳслашамиз, изланамиз. Бу кўп жиҳатдан КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, инсон омилини кенгайтиришга боғлиқ. Ишчининг билими, малакаси, тажрибаси ошириб борилгандагина, унда ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига онгли муносабатда бўлишини шакллантириб борилгандагина, бунинг учун шарт-шароитлар яратилиб ғамхўрлик қилингандагина кўзланган мақсадга кенг йўл очилади. Бригадамиз совети коллектив аъзолари фаолиятини йўналтиришда бу масалаларга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Тадбирлар самараси пировард натижада кўзга ташланади. Йил бошидан бери бирор марта ҳам ойлик план-топшириқ бажарилмай қолмади. Ўтган октябрь ойида цехимизда 772 та терим агрегати йиғиб тайёрланган бўлса, шунинг ярмидан зиёдини бригадамиз аъзолари бажардилар. Бу «зангори кема»лар герметик кабинали, гидравлик бошқариладиган «14 ХВ 2,4 Г» маркали агрегатлардир. Уларнинг ҳаммаси аъло сифат билан қабул қилинди. Бу ютуқнинг боиси аввало цехимиз реконструкция қилинганлиги, созловчи-слесарларимизни и г масъулиятни ҳис қилиб ишлашаётгани ва маҳоратларининг ошаётганлигидадир.

«Одам боласи онадан туғилади, ҳақиқий ишчи эса коллективда йўғрилади» деганди заводимизнинг машҳур ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов ёшлар билан учрашувларнинг бирида. Унинг сўзларини ҳар дам ёдга олар эканман бригадамиздаги бурилиш нуқтаси бўлган воқеани эслайман. Йиғилишда мени, бригадамиз етакчи ишчиларини танқид қилишди, ўз камолоти ҳақида қайғурмаётганлар дейишди. Чунки машинасозлигимизнинг эртанги куни ишлаб чиқариш жараёнларини ЭҲМлар билан бошқариш, қўл меҳнатини роботлар зиммасига юклашдир. Уларни ишлатиш учун инженерлик масъулияти керак. Ана шу туртки қалбимиздаги ботиқ орзуларни мавжлантирди. Мана ҳозир коллективимиз аъзоларидан 6 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техника олий ўқув юртида таълим олмоқда. Аудиторияда олган билимни амалий фаолият билан боғлаш ишлаб чиқариш жараёнларининг кўпгина кўз илғамас чигалликларини ҳал этишга ҳам ёрдам бераётир.

Йиғилишлар бизда бригадамиз фаолиятидаги бирор янгиликни туғдиради, десам янглишмайман. Яқинда комсомол группаси мажлисида Равшан Аъзамов, Анвар Матризаев ўртага ташлаган «Ресурсларни тежаш мумкинми?» деган масалани ишлаб чиқилди. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра биз бир ҳафта давомида 4—6 машинага етадиган кичик деталларни иқтисод қилишимиз мумкин экан. Шунга асосланиб зиммамизга оширилган социалистик мажбурият қабул қилдик. Яъни бригадамиз аъзолари Ўзбекистон комсомоли XXIII съездигача 22 та машинага етадиган майда деталлар тежайдилар ва съездолди зарбдор вахтасининг бир кунида ана шу иқтисод қилинган ресурс ҳисобига ишлайдилар. Маҳсулотнинг 99 процентини 1-сортга топширадилар. Коллективимизда янги-янги ташаббуслар ана шу тарзда туғилади. Назаримда бундай изланишлар социалистик мусобақадаги активлигимизни кучайтирадиган муҳим омилдир.

Кичик бир томчида катта дарё оқимининг хусусиятлари акс этганидек ўзимнинг, бригадамнинг тақдирида бутун совет турмуш тарзининг жўшқинлигини ҳис қиламан. Бу жўшқинликнинг манбаи эса ота-боболаримиз бошлаб берган революцион одим ташлашдан бошланган. Биз ҳам бу йўлдан жадал одимлар билан оғишмай боришга интилаверамиз. Чунки нурафшон истиқболга чорловчи ленинча ғоялар бамисоли қуёшдек бошимиз узра парвонадир.

**Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи 22-йиғув цехи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Улуғбек БУКАЕВ ҳикоясини ёзиб олувчи**

**Ф. МАҲКАМБОЕВ.**

Публицистика

## ЗАМИНГА ТИНЧЛИК ТИЛАЙМИЗ

Революция. Неча-неча асрлар ошиб келган қудратли тўлқин... «Аврора»нинг озодлик наъраси.... Инқилобий қўшиқлар саси... Ушбу кунда шулар ҳақида бир неча дақиқа кўзларни юмиб ўйлайлик. Сизнинг қалбингиздан нималар кечмоқда...

Асрлар олдида дақиқалар мисол ўтган 69 йил. Ҳа, 69 йил. Бу давр ичида ҳақиқат ва жасорат, матонат ва меҳнат ўзига мангу ҳайкал қўйди. Бу ҳайкал бизнинг қалбимизда, юрагимизда, шууримизда. Бу Ленин.

Қорни нонга тўйган куни байрам бўлган инсоннинг уқубатли йиллари ортида қолиб кетди. У пайтлар хотираларга айланиб бормоқда.

Жамики инсониятнинг туйғулари, орзу-ўйлари ғалаба қозонганига бугун 69 йил бўлди. Инқилобий, ҳаракат ер юзининг барча қитъасига юлдуздек сочилиб кетган. Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам, Жанубдан ҳам, Шимолдан ҳам Ленин жилмайиб боқмоқда. Бу — озодлик ҳаракатлари, марксизм-ленинизм ғоялари. Бу — Инқилоб! Шоир айтгандек уйимиз остонасидан Қизил майдонгача чўзилиб кетган бепоён, беҳудуд Ватан бизники.

Қизил майдондан ҳар йили 7 ноябрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг меҳнаткашлари олам-олам қувонч, чексиз шодлик билан ўтади. Бу парад Инқилобнинг мангу тантанасидир.

Мен ана шундай парадда қатнашиш бахтига муяссар бўлганман.

Москва байрам либосида. Айниқса кечаси келинчакдек минг товланиб кўзни олади. Ол байроқларни ҳилпирашию, ранг-баранг чироқларнинг жилваланиши, лобар қизларнинг шўх кулгулари — ҳамма-ҳаммаси гўзал. Шу қадар одам кўпки, юришга қийналасан.

Мана, соат миллари сўнгги минутлар сари ҳаракат қилмоқда. Атроф бир неча сония жим бўлиб қолади. Юракнинг гурс-гурс урушигина эшитилади. Ва «ура» садолари, зим-зиё тун бағрида ранго-ранг юлдузчалар порлайди. Гўё одамлар ҳовучларини юлдузга тўлғазиб осмонга отаётганга ўхшайди. «Ура» садолари тўхтовсиз жаранглайди.

Назаримда шу гумбирлаб отилаётган байрам юлдузчаларидан осмоннинг бир парчаси эмас, бутун осмон, бутун дунё ёришиб кетгандай бўлди. Кўзни қамаштирувчи юлдузларга қарайман. Бошимда эса мана бу хаёл: Қани эди бутун дунё ана шундай тантанавор садоларга тўлса, замин болалари қийқириб кулса, тўплар озодлик, шодлик, тинчлик учун отилса деб ҳайқиргим келди.

Зеро атрофимда ҳайқираётган кишиларнинг жўр овози ҳақиқат тантанаси мангу, у абадий деяётганга ўхшар эди. Мушаклар отилиб бўлинди. Кўчада кетиб борар эканман қўшиқ садолари бир дақиқа тинмайди. Кўчада кетаётган одамлар қудратли оқимга ўхшар эди. Улар бир-бирларини шахсан танимайди. Аммо бир-бирларининг қўлидан маҳкам ушлашганча олға борар, ҳамма қўшиқ куйлар эди.

Бу йўл эса Тинчликка, Дўстликка, Биродарликка элтувчи йўл эди. Бу йўлларни соғиниб умри ўтган боболар, аждодлар бардошига, курашига, ғалабасига доимо таъзим айлаймиз.

Ҳали мурғак гўдакнинг юзидаги оний табассум. Шодлик. Биз улуғ кунни байрам қилаяпмиз. Заминга Тинчлик тилаяпмиз. Тинчликнинг таянч нуқтаси бўлган азим Москвада, Қизил майдонда парад ўтмоқда. Жамики инсоният дунёда тинчлик тиламоқда. Минг афсуски, одам қиёфасидаги айрим кимсалар ўт билан ўйнашмоқда. Ваҳоланки, атомлар, нейронлар ўйинчоқ эмас, уларни ўйнаб бўлмайди.

Инқилоб алангалари кўпаймоқда, ҳақиқат юз очмоқда.

Туғилажак инқилоблар эса энг азиз фарзанд.

Абдуғофур МАМАТОВ,
журналист.



## ЮКСАК НОМГА ЯРАША

Шаҳримизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси номи билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Инқилоб номига аталган хиёбонлар, кўчалар, маданий муассасалар шулар жумласидандир. Тошкент метросининг 17 ер ости қасридан бирининг номи ҳам инқилоб номи билан аталади. Ҳар куни минглаб тошкентликлар метро вагони ичра дикторнинг «Кейинги бекат — «Октябрь революцияси» деган сўзларини эшитади.

Зеро станция коллективи бу шарафли номга яраша фидокорона меҳнат қилиб келяпти. Йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Коллектив бир неча йил муқаддам ишлаб чиқаришдаги аъло кўрсаткичлари учун «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак номга сазовор бўлди.

— Айни пайтда, — дейди Октябрь революцияси станцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Клара Алексеевна Пак, — белоруссиялик темирйўлчиларнинг методи бўйича ишлашга станциялар ичида биринчилар қатори ўтдик. Янги усулнинг афзалликлари кўп. Кам ишчи кучи билан пассажирлар ташиш планини ошириб бажариш ва намунали хизмат кўрсатиш — биринчи галдаги вазифамиздир. Ҳозир бир суткада ўрта ҳисобда 40 — 41 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқдамиз.

Ҳа, станция меҳнат аҳли бугунги байрамни кўтаринки руҳ ва юксак натижалар билан қарши оляпти. Улар станция номига яраша ҳақиқий коммунистларча меҳнат қилмоқдалар. Станциянинг пул майдалагич аппаратлари катта оператори З. Буран, оператори Р. Усмонова, станция ва пост блоки бўйича навбатчи Ў. Ғофурова ва бошқалар фидокорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

**Ф. САЙДАМАТОВА,**
**ТошДУ журналистика факультети студенти.**

**СУРАТДА:** Тошкент метрополитенининг Октябрь революцияси станцияси катта оператори З. Буран ва станция навбатчиси Н. Хайматов янги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

**Ш. Иброҳимов фотоси.**

Давр—менинг тақдиримда

## НУРЛИ ИҚБОЛ

Ҳар гал Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи олдидан ўтганимда қалбим илиқ туйғуларга тўлади, ёшлик хотиралари кўз ўнгимда гавдаланади. Мен ота-онамдан ўн яшарлигимда айрилганман. Шунда яхши одамлар мени Тошкентда ташкил этилган 1-интернатга олиб боришган. Мен дастлаб шу интернатда тарбияландим. Кейин эса шаҳримиздаги революция ўчоғи бўлган Ўрта Осиё темир йўли Қизил Шарқ устахонаси (ҳозирги Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи) қошида ташкил этилган мусулмон ёшлар касб-ҳунар техникумида ўқиганман. Бу техникум Тошкент шаҳрида ташкил этилган дастлабки ўрта махсус билим юртларидан эди. Уни ташкил этишдан мақсад эса маҳаллий миллат ёшларидан саноат корхоналари учун мутахассислар тайёрлашдан иборат бўлган. Техникум талабалари ҳар куни тўрт соат ўқишар, тўрт соат темир йўл устахонасида малакали рус ишчилари раҳбарлигида меҳнат қилишарди.

Мен техникумда яхши ўқидим. 1924 йилнинг ёзида техникумнинг 16 нафар аълочи талабаси қаторида Лениннинг юрти Симбирскка, Москва ва Ленинградга экскурсияга борганман. Биз Москвада бўлганимизда комсомолнинг VI съезди очилиши арафаси эди. Шунда биз Туркистон республикасидан съездга делегат бўлиб келган ёшлар билан учрашдик. Саккиз нафаримиз съездда меҳмон сифатида қатнашдик. Шунда мен комсомолга В. И. Ленин номи берилишининг гувоҳи бўлганман, М. Калинин ва Н. Крупскаянинг нутқларини тинглаганман.

1925 йилда техникумни муваффақиятли тамомлагач, аввал комсомол ишларида ишладим. Давлат учун ғалла тайёрлашда, ер ислоҳотида қулоқларни синф сифатида тугатишда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, саводсизликни тугатишда иштирок этдим.

30-йилларда эса педагогика институтини тамомлаб, маориф системасида ишлай бошладим. Кўп йиллар шаҳримиздаги 32-болалар уйига директорлик қилдим. Ҳозир эса қарилик гаштини сураяпман.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бепоён мамлакатимизнинг барча халқлари қатори Ўрта Осиё халқларига ҳам бахтли ҳаёт йўлини очиб берди. Ўтмишда кишилари маърифатдан бебаҳра бўлган, зулм, адолатсизлик ҳукм сурган ўлкада саноат ва қишлоқ хўжалиги беқиёс юксалди, маориф ва маданиятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар юзага келди. Ўзбекистон Советлар мамлакатининг гуллаб-яшнаган диёрига айланди.

Мен баъзан ўтириб ўз тақдирим ҳақида ўйлайман. Агар Октябрь революцияси, Совет ҳокимияти бўлмаганида менинг бахтиёр ёшлигим ҳам бўлмасди, олий маълумотли педагог дипломини қўлга киритишим амри маҳол эди. Болаларни тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик фаолиятим ҳам зое кетмади. Ҳозир менинг қўлимда тарбия кўрган ёшлар орасида партия ва совет ходимлари ҳам, ўрта ва олий ўқув юртларининг педагоглари, артистлар, рассомлар ҳам бор.

Ҳар йили июнь ойининг иккинчи якшанбасида уруш йиллари ва ундан кейинги йилларда 32-болалар уйида тарбия кўрган собиқ болалар Сағбондаги эски болалар уйи биносида учрашади. Бу учрашувда мен ҳам иштирок этаман. Турли миллатга мансуб бўлган, мамлакатимизнинг турли жойларида яшаб меҳнат қилаётган собиқ тарбияланувчиларимиз бизни ўз ота-оналаридай ҳурмат қилишади, яхши-ёмон кунларда йўқлаб туришни канда қилишмайди. Собиқ шогирдларимнинг меҳробинчиликлари қалбимни қувончга тўлғизади. Мен бундай ажойиб иқболга Ленин тузган жамиятда ҳалол меҳнатим билан эришганлигимдан беҳад фахрланаман.

**Й. ЖАДГАРОВ,**
**1928 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**



Ҳар вақтдагидек бугун Ватанимиз пойтахтидаги Қизил майдонда байрам паради бўлиб ўтди. Ватанимизнинг Бош майдони ҳар вақтдагидек жозибадор эди. Ундан минглаб бахтиёр кишилар майдонни тўлғазиб ўтишди. Ҳарбий парад чоғида Совет Армияси, СССР Ҳарбий-Денгиз флоти ва Ҳаво флоти вакилларининг саф тортиб ўтиши телевидение экранидан бутун мамлакатга намойиш қилинди.

Қизил майдон кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу воқеалар орасида энг унутилмаси 1941 йилнинг 7 ноябридаги парад ва 1945 йилнинг ёзидаги Ғалаба парадидир.

Ўзининг беш асрлик тарихида Қизил майдон фақат бир марта ўз қаҳрамонларини параддан сўнг тўғри фронтга, Ватан учун, Қизил майдонда душман излари пайдо бўлмаслиги учун жанг қилишга юборган.

Буюк Ғалаба паради томон дастлабки қадам бўлган ўша тарихий парад бўлиб ўтган кундан бери роппа-роса 45 йил ўтди.

Немис-фашист босқинчилари мамлакатимиз тупроғига тўсатдан бостириб кирганида собиқ жангчи Темиршайхович Совет Армияси сафида хизмат қиларди. У ҳарбий хизматга 1938 йилнинг 8 августида Бухоро областининг Ғиждувон шаҳридан чақирилганди.

## Ғалабага ундаган парад

Уруш бошланганлиги ҳақидаги хабарни С. Собиров ва унинг қуролдош дўстлари ташвиш билан эшитишди. Улар душманнинг биринчи зарбасини чегарачилар қабул қилганлигини, ўз қонлари билан душманни тутиб турганликларини билишарди. Чегарачилар совет солдати шон-шарафини ерга букишмади. Шундай шароитда мамлакатнинг шарқий қисмида хизмат қилаётган чегарачилар уларга ёрдам бериш учун ошиқмасликлари мумкин эмасди.

1941 йилнинг 6 сентябрида Солиҳ Собиров СССР ички ишлар халқ комиссариатининг 251-чегара полки составида Москвани ҳимоя қилиш учун келди. Полк Чкалов аэродроми районида позицияни ишғол қилди: тунда чегарачилар ўрмонларда ва шаҳар атрофида душман ҳужумига зарба бериш учун тайёр туришарди. Кундузи эса чегарачилар аэродром ётоқхонаси ертўласида машғулотлар ўтказишар ва жангларга тайёргарлик кўришарди.

7 ноябрь куни эрталаб Қизил майдонда ҳарбийларнинг анъанавий паради бўлди. Унга жуда маҳфий тайёргарлик кўрилди.

— Биз фронт учун бўлинма жамланяпти, деб ўйлагандик, — деб ҳикоя қилади Солиҳ Темиршайхович, — шу боисдан 7 ноябрда Қизил майдонда анъанавий парад бўлиши ва биз унда иштирок этишимизни эълон қилишганда аввалига ҳайрон бўлдик. Кейин совет халқи, ҳукуматимиздан беқиёс фахрландик. Шундай вақтда парад ўтказилса-я! Мен майдонга қадам қўйганимда шу нарсага қатъий амин бўлдимки, душман бу майдондан ҳеч қачон ўтмайди. Ўшанда Ватанга чексиз муҳаббат, душманни янчишга қатъий интилиш туйғулари билан яшаётган солдат ва офицерларни бир кўрсангиз эди!

Парадда ўша пайтда Москва ҳарбий округи қўшинлари қўмондони бўлган ва Москва мудофаа зонасини бошқарган генерал П. А. Артемьев қўмондонлик қилди. Оркестрга Дзержинский номидаги дивизия оркестри капельмейстери, 1-ранг ҳарбий интендант В. И. Агапкин дирижёрлик қилди. Бу машҳур «Славянканинг видолашуви» маршининг муаллифи эди. Ўша тонгда бу марш Қизил майдонда ҳам янгради.

Парадлар тарихида тенги йўқ бўлган мана шу парадда Олий Бош қўмондон жангчиларга қарата шундай деган эди: «Сизга бутун дунё немис босқинчилари галаларини йўқ қилишга қодир бўлган куч сифатида, ўз халоскорлари сифатида қараяпти. Сизнинг зиммангизга буюк халоскорлик миссияси тушди. Мана шу шарафга муносиб бўлинг. Бу урушда сизни буюк аждодларимиз — Александр Невский, Дмитрий Донской, Кузьма Минин, Дмитрий Пожарский, Александр Суворов, Михаил Кутузовнинг мардона сиймолари илҳомлантирсин! Улуғ Лениннинг ғолиб байроғи сизга мададкор бўлсин!»

Совет ҳукуматининг чақириғи бутун мамлакат бўйлаб бонг уриб янгради. Барча совет солдатлари қатори Солиҳ Собиров ҳам бу чақириқларни бутун урушдан олиб ўтди. Улуғ Ватан уруши йиллари у Москва области, Белоруссия, Литва, Польша, Шарқий Пруссиядаги шаҳарларни озод қилишда қатнашди. С. Собиров бу жангларда кўпгина дўстларидан айрилди. Ўзи ҳам икки марта контузия бўлди. Урушдан кейин эса у бир йил Ғарбий Украинани бендеровчилардан тозалашда қатнашди.

Урушдан қайтгач эса республикамизда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кўп йиллар ишлади. Бугунги кунда қарилик гаштини сураётган бу уруш ва меҳнат ветеранининг кўксини II ва III даражали Шуҳрат орденлари, «Москва мудофааси учун», «Кенингсбергни озод қилганлиги учун», «Жасурлиги» учун медаллари безаб турибди.

У тез тез шаҳримиздаги мактабларнинг ўқувчилари ҳузурида бўлиб, Улуғ Ватан урушининг унутилмас хотираларини гапириб беради.

**И. БОГУСЛАВСКАЯ.**

